

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АСАТУЛЛОЕВ ИНОМЖОН АБОБАКИР ЎҒЛИ

**ЭРИХ ФРОММ ФАЛСАФИЙ АНТРОПОЛОГИЯСИДА ҚАЛБ
КОНЦЕПЦИЯСИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Асатуллоев Иномжон Абобакир ўғли

Эрих Фромм фалсафий антропологиясида қалб концепцияси3

Асатуллоев Иномжон Абобакир угли

Концепция души в философской антропологии Эриха Фромма.....19

Asatulloev Inomjon Abobakir ugli

The soul conception in the philosophical anthropology of Erich Fromm.....36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works40

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АСАТУЛЛОЕВ ИНОМЖОН АБОБАКИР ЎҒЛИ

**ЭРИХ ФРОММ ФАЛСАФИЙ АНТРОПОЛОГИЯСИДА ҚАЛБ
КОНЦЕПЦИЯСИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Fal198 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рузматова Гулноз Мирахраровна,
фалсафа фанлари доктори, профессор;

Расмий оппонентлар:

Каримов Бахтиёр Раҳмонович
фалсафа фанлари доктори, профессор;

Агзамходжаева Саида Собитхановна
фалсафа фанлари доктори, профессор;

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz; Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факултети биноси, 1-қават, 117-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (+99871) 236-46-55; факс: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Н.А.Шермухамедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

У.А.Маҳкамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Г.Т.Маҳмудова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда учинчи минг йилликда давлат бошқаруви, ижтимоий муносабатлар, халқаро алоқалар, таълим тизимидаги ислоҳотларнинг ахборот технологияларига асосланган янги тизими шаклланди. Инсон интеллектуал салоҳиятининг чексиз имкониятлари иқтисодий барқарорлик, маънавий камолот, санъат ва маданиятнинг такомиллашувида ўз ифодасини топмоқда. Ген инжинериясининг ютуқлари инсон умрини узайтириш, бедаво касалликларга даво топиш, нанотехнологиялар, биоидентификация технологияларининг жамият тараққиётида амал қилишида намоён бўлмоқда. Айни пайтда инсоннинг жаҳолатга мойиллиги ҳам унинг ақл имконияти сифатида ривожланмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот институтлари ва марказларида инсон ақлий имкониятлари, мия фаолияти, маънавий маданиятини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу изланишларнинг таркибий қисми сифатида Ғарб файласуфлари З.Фрейд, К.Юнг, М.Шеллер, Э.Фромм ва бошқаларнинг инсон қалбига берган баҳоси, унинг табиатидаги майл-истаклар ижтимоий муҳит таъсирида шаклланиши, қалбдаги жаҳолат ва саховат, бегонашалувнинг сабабларига оид қарашлари психолог, социолог, тарихчилар ва файласуфлар томонидан таҳлил этилмоқда. Зеро, инсон бир томонда жамиятни харакатлантирувчи кучи бўлса, иккинчи томонда барча тирик мавжудотлар орасида ўз қавмини ўлдиришга мойилдир. Шу боис, рақамли технологиялар ривожланган янги даврда инсон қалбини жаҳолатдан асрашга эҳтиёж кучаймоқда. Бунинг учун буюк мутафаккирларнинг асарларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда инсоннинг нафақат жисмоний соғлиги, балки унинг қалб поклигини тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу мактабгача таълимни такомиллаштириш билан бошланиб, таълимнинг барча босқичларида юқори малакали касб эгаларини тарбиялаш, беш ташаббус доирасидаги ижтимоий фаоллик, Олий мажлис қонунчилик палатаси ҳузурида Ёшлар парламентини ташкил этилиши каби инсонни қадрлашга йўналган фаолиятда давом этмоқда, бу эса қалб поклиги, ватанпарварлик, миллий ғурур ва ўзига ишонч руҳини шакллантирмоқда. Шу боис, ёшларнинг қалб поклигини таъминлаш учун Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг ғояларини ўрганиш ва улардан ижтимоий ҳаётда оқилона фойдаланиш зарурати юзага чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПҚ-5847 сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғарб мамлакатларида Эрих Фромм фалсафий меросини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган асрнинг 60-йилларида бошланган бундай изланишлар, бугунги кунда ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Хусусан, олмон олимларидан Р.Функ мутафаккирнинг радикал гуманистик ғояларини, М.Фишер ва И.Р.Паскуинг ахлоқий, ижтимоий қарашларини, М.Кортина руҳий мувозанатсизликка оид қарашларини ўрганган. Рус олимлари В.И.Добренков ва Г.А.Титаренко Эрих Фромм фалсафасини неофрейдизм нуқтаи назаридан таҳлил қилган. Шунингдек, И.В.Егорова Эрих Фромм фалсафий антропологиясини Фрейдизм билан фарқли жиҳатларини очиб берган. Япон олими К.Миамото «Эрих Фроммнинг бегоналашув назарияси» монографиясида техноген цивилизация шароитида шахс ва жамият муносабатларига доир қарашларини таҳлил қилган. Н.Анжум эса «Эрих Фромм фалсафасида инсон ва жамият масаласи» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Турк олими М.Гунер мутафаккирнинг ахлоқ фалсафасини, Ҳ.Атсиз эса диний қарашларини очиб берган. Шунингдек, АҚШдаги «Психоаналитика» академияси, Германиянинг «Эрих Фромм» халқаро тадқиқотлар маркази, Туркиянинг «Ижтимоий фанлар» институтида ҳам Ғарб мутафаккирлари, хусусан, Э.Фроммнинг инсон ҳақидаги таълимотлари ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда Эрих Фроммнинг қалб концепцияси бўйича махсус илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган бўлса-да, Г.М.Рўзматова, В.Алимасов, Қ.Рўзматзодаларнинг илмий тадқиқотларида, Раҳмон Қўчқорнинг «Қалб илми эгаси» номли мақоласида мутафаккирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти қисқача таҳлил қилинган¹.

Бироқ турли даврларда нашр этилган адабиётларда инсон қалби, унинг адолат ва адолатсизликка мойиллиги сабабаларини аниқлаш, шунингдек инсон моҳиятига оид қарашларининг психологик, тарихий, ижтимоий жиҳатлари таҳлил этилиши натижасида Эрих Фромм қалб концепциясининг фалсафий-тарихий жиҳати етарли тадқиқ этилмаганлиги аниқланди. Шу боис, ушбу диссертацияда Эрих Фромм ижодида қалбнинг моҳияти дедуктив номологик метод ёрдамида тадқиқ этишга ҳаракат қилинади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда глобаллашув ва фуқаролик жамияти шароитида шахс маънавий маданиятининг ривожланиш қонуниятлари» мавзуси доирасида бажарилган.

¹ Мазкур олимларнинг асарлари диссертация охирида «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади Эрих Фромм фалсафий антропологиясида инсон қалбининг моҳияти ва унинг ўзгарувчанлигига таъсир этувчи омилларни асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инсон қалбидаги тажовузкорлик, бузғунчилик, зўравонлик майллари ҳамда садизм, мазохизм ва некрофилиянинг жамият тараққиёти ва шахс маънавий камолотига салбий таъсирини очиб бериш;

ижтимоий муносабатларда мустақиллик, тенглик, ўзаро ишонч, танқидий ёндашувнинг мавжудлиги шахс озодлигининг хусусиятлари эканлигини асослаш;

ҳақиқий муҳаббат - ёлғизлик, иродасизлик ва ижтимоий бегоналашувни бартараф этиш омили эканлигини очиб бериш;

жамиятда ижодий фаоллик ва биродарлик муҳаббатини шакллантириш ахлоқий инқирозни бартараф этиш омили эканлигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Эрих Фромм ижоди ва фалсафий мероси.

Тадқиқотнинг предмети Эрих Фроммнинг қалб концепциясини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумий ўзаро алоқадорлик, тизимлилик, ворисийлик, тарихийлик тамойиллари, анализ, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, гипотетик дедуктив методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инсон қалбидаги тажовузкорлик, бузғунчилик, зўравонлик майллари ҳамда садизм, мазохизм ва некрофилиянинг жамият тараққиёти ва шахс маънавий камолотига салбий таъсири очиб берилган;

ижтимоий муносабатларда мустақиллик, тенглик, ўзаро ишонч, танқидий ёндашувнинг мавжудлиги шахс озодлигининг хусусиятлари эканлиги асосланган;

ҳақиқий муҳаббат - ёлғизлик, иродасизлик ва ижтимоий бегоналашувни бартараф этиш омили эканлиги очиб берилган;

жамиятда ижодий фаоллик ва биродарлик муҳаббатини шакллантириш ахлоқий инқирозни бартараф этиш омили эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Эрих Фроммнинг «Инсон қалби» ва бошқа асарларидаги инсон маънавий-руҳий олами, истаклари ва интилишларига оид ғояларидан унумли фойдаланиш механизмлари ишлаб чиқилган;

Инсон қалбида эзгу истакларни уйғотиш, яратувчанлик қобилиятини шакллантириш, ахлоқий таназулни олдини олиш, жамиятдаги бегоналашувни, ёлғизликни бартараф этиш учун фаол ижодкорлик кўникмасини ва биродарлик муҳаббатини ривожлантиришни тарғиб қилиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш ва ўтказишга оид назарий ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий

илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоялар, илмий хулосаларидан фалсафа тарихи ва психологияга оид илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Илмий хулосалардан фалсафа, фалсафа тарихи, психология ва социология фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда, гуманитар фанлар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида фойдаланиш мумкин. Инсон қалби таҳлили ҳақидаги назарий-фалсафий ғоялар, тавсиялар фалсафа, ахлоқшунослик ва психология каби ижтимоий фанлар тизимини янгича ёндашувлар билан бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациядаги таклифлардан аҳолининг турли қатламлари ўртасида маданият ва маърифатни тарғиб қилувчи, ижтимоий ҳимоя соҳасида фаолият олиб борувчи муассасалар, маҳаллалар, нодавлат ношаро ташкилотлар ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эрих Фромм фалсафий антропологиясида қалб концепциясининг амалий аҳамияти бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

инсон қалбидаги тажовузкорлик, бузғунчилик, зўравонлик майллари ҳамда садизм, мазохизм ва некрофилиянинг жамият тараққиёти ва шахс маънавий камолотига салбий таъсири очиқ берилганлигига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва Технологиялар агентлиги томонидан тақдим этилган А-1-099 рақамли 2015-2017 йилдаги «Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти» мавзусидаги лойиҳа доирасида чоп этилган «Баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби» номли ўқув-услубий кўрсатманинг «Маънавий янгиланишлар ва уларнинг замонавий баркамол инсон тарбиясига таъсири» номли 3-бобини тайёрлашда фойдаланилган (2019 йил 2 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 89-03-4241 сон маълумотномаси). Натижалар ёшлар маънавий камолотига ва замонавий баркамол инсон тарбиясига хизмат қилди;

ижтимоий муносабатларда мустақиллик, тенглик, ўзаро ишонч, танқидий ёндашувнинг мавжудлиги шахс озодлигининг хусусиятлари эканлигига оид хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ёшлар масалалари бўйича комиссия томонидан 2019 йил 8 ноябрдаги «Ёшлар билан ишлашнинг долзарб масалалари»га бағишланган учрашув доирасида ёшлар маънавиятини юксалтиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ёшлар масалалари бўйича Комиссиянинг 2019 йил 18 ноябрдаги 20/01-39-сон далолатномаси). Натижалар Эрих Фромм қарашлари асосида

ёшларга хос эркинлик, озодлик, тенглик истагини тушунишга, унга янгича ёндашувни ишлаб чиқишга хизмат қилди;

ҳақиқий муҳаббат - ёлғизлик, иродасизлик ва ижтимоий бегоналашувни бартараф этиш омили эканлиги очиб берилганлигига оид хулосаларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг 2018 йил 3 январдаги «Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги ва 2018 йилдаги устувор вазифалар тўғрисида»ги 01-03/20 сонли қарори ижросини таъминлашда, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг 2018 йил 3 январдаги 01-03/18 сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан 2018 йил учун мўлжалланган йиллик режа»нинг 39-банди ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 22 ноябрдаги 04-13/5284-сон далолатномаси). Натижалар ёшларда зўравонлик, бузғунчилик майллари кучайиши, нафратга асосланган жиноятчилик, экстремистик ва террористик дунёқарашни шаклланишини олдини олишга хизмат қилди;

жамиятда ижодий фаоллик ва биродарлик муҳаббатини шакллантириш ахлоқий инқирозни бартараф этиш омили эканлигига оид хулосаларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сонли «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» қарорига асосан ўтказилган «Маънавият фестивали» тадбирларда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 15 ноябрдаги 02-09/1546-сон далолатномаси). Натижалар маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига ва жамиятда жиноятчилик, зўравонлик ва бузғунчилик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олишга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, (7 та республика ва 2 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг «XX аср бошларида Европадаги ижтимоий-сиёсий шароит ва унинг Эрих Фромм ижодига таъсири» деб номланган биринчи бобида XX аср бошидаги ижтимоий-сиёсий шароит, илм-фандаги кашфиёт ва ихтироларнинг аҳамияти, уни машҳур мутафаккир Эрих Фромм дунёқарашига таъсири ҳамда инсонга янгича ёндашувни шаклланишининг тадрижий такомил босқичлари тадқиқ этилган.

XIX аср охири XX аср бошида Европадаги инқилобий вазият инсонларни турмуш тарзига, дунёқарашига кучли таъсир этди. XIX аср охирида жаҳонда юз берган илм-фан ва техника-технологиялар билан боғлиқ ўзгаришлар инсоният интеллектини, эмоциясини ҳам ўзгартириб юборди. XX аср бошларида Европадаги капитализмга хос ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг ўсиши инсонлар руҳий ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Аср бошларидаги давлатлараро муносабатларнинг кескинлашуви, оммавий қирғинларга сабаб бўлган Биринчи жаҳон уриши, турли юқумли касалликларнинг авж олиши, ишсизлар сонининг кўпайиши оқибатида шахслараро зиддиятларнинг кучайиши инсон қалбига мурожаат қилишни тақозо этди.

Диссертант фикрича, XX асрдаги I ва II жаҳон урушлари давлатлараро муносабатлардаги зиддиятларни кучайтирди. Бунинг оқибатида иккита йирик давлатлар ўртасида «Совуқ уруш» бошланди. Бу жараёнларни назорат қилиш, ҳар қандай урушлардан воз кечиш учун 1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилди. Айнан шу вазиятда Эрих Фромм инсон қалбидаги ўзгаришларнинг моҳиятини ўрганишга ҳаракат қилди. Бунда у Зигмунд Фрейднинг психоанализ (руҳият таҳлили) назариясига мурожаат этади.

Диссертант Эрих Фромм қарашларини тадқиқ этган Маурисио Кортина мулоҳазаларига асосланиб, ижтимоий ўзгаришлар, инсонлараро муносабатлардаги зиддиятлар ва мулоқот жараёнидаги кучли нафратни бартараф этиш учун инсон қалбига қулоқ солиш, инсон эмоцияларини ўзгартириш ва истакларнинг шаклланиши ва бостирилиши сабабларини ўрганиш зарурлигини таҳлил қилади². Инсон ўзлигини шакллантириши учун эркинликка эга бўлиши, бошқаларни ҳам ўз холича севиши ва ижтимоий қалбни ўзгартиришга ҳаракат қилиши керак. Тадқиқотчи фикрича, Эрих Фроммнинг инсон қалби тўғрисидаги мулоҳазалари XX аср ўрталарида Ғарбий Европа ва АҚШ жамиятлари дуч келган қатор ижтимоий-сиёсий муаммоларни оқилона ҳал этишнинг назарий асоси бўлиб хизмат қилган. Мутафаккир хавфли ижтимоий иллюзияларни англашга алоҳида эътибор берган, ижтимоий инқироз сабаблари индустриал тузумнинг иқтисодий ва психологик зиддиятлари билан боғлиқ эканлигини асослаган.

Диссертацияда Эрих Фроммнинг социал-психологик таълимоти, қалб концепцияси ҳозирги замон Ғарб интеллектуал маданиятининг муҳим ютуғи сифатида жаҳон психологияси ва ижтимоий-фалсафий тафаккури ривожига ижобий таъсир кўрсатаётганлиги асосланган. Мутафаккир инсон қалбида

²Mauricio Cortina M.D. The greatness and Limitations of Erich Fromm's humanism. Contemporary psychoanalysis, 2015. Vol.51, № 3. -P.402.

зўравонлик, тажовузкорлик ва бузғунчилик истакларига ижтимоий муҳитнинг таъсирини тадқиқ қилган. Диссертацияда Эрих Фромм таълимотидаги қалб концепцияси Марказий Осиё мутафаккирлари қарашлари билан қиёсий таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи асосланган.

Хуллас, Европадаги ижтимоий сиёсий шароит Эрих Фроммнинг инсон қалбига мурожаат этишига таъсир этган. Унинг ижоди эса фрейдизм таъсирида ўзининг юқори даражасига эришган.

Диссертациянинг «**Эрих Фромм ижодида инсон қалбидаги эзгулик мотивлари ҳақида**» деб номланган иккинчи бобида инсон қалбида эзгуликни шакллантирувчи омиллар, инсон озодлигининг илмий-фалсафий таҳлили, унга эришиш механизмлари, янгича қарамлик кўринишлари ва ундан халос бўлиш йўллари, инсон қалбидаги эзгулик истаги бўлган муҳаббат ва унинг намоён бўлиш шакллари тадқиқ қилинган.

Диссертант фикрича, Эрих Фроммнинг қалб концепциясида муҳаббат – эзгулик мотиви ва инсонийликни ифодаловчи эҳтиёжнинг олий шаклидир. Шу боис, унга эришиш учун инсон яхшилик ва ёмонликни фарқлаши лозим. Инсонда доим севишга ва севилишга эҳтиёж қалбнинг хотиржамлигини ифодалайди. Муҳаббат туйғуси инсонни улуғворликка ва меҳнатга чорлайди. Эрих Фромм муҳаббат ҳар бир инсон дуч қиладиган туйғу, босиб ўтадиган йўл эканлигини исботлашни ҳаракат қилган³. Инсон ўз шахсиятини тўла-тўқис камол топтиришга сарфламаса, унинг севишга бўлган ҳамма уринишлари омадсизликка маҳкумлиги ҳамда ҳақиқий инсонийлик, жасорат, ишонч, интизом ва ўз яқинини севиш қобилиятисиз муҳаббатга эришиб бўлмаслиги асосланган. Файласуф фикрича, муҳаббат – инсондаги фаол куч, ёлғизликни бартараф этиш омили, айтилиши вақтда унинг ўз «мен»и ва яхлитлигини сақлаб қолишга имконият беради. Муҳаббатнинг парадокси шундай: икки мавжудот битта мавжудотга айланади ва айтилиши вақтда иккита мустақил инсон бўлади⁴. Шу маънода ҳатто нафрат ҳам муҳаббатга ташналикнинг оқибатидир, – деган фикр Эрих Фромм қарашларини тасдиқлайди. Диссертант Эрих Фромм ғоялари асосида муҳаббатни фаолият билан боғлайди, яъни муҳаббат доимий фаолият бўлиб, инсон ички эркинлик ва мустақиллик шароитидагина унга эришиши мумкин. Чунки қалб фақат ботиний эркинлик ва мустақиллик шароитидагина ўзлигини намоён қилади.

Диссертацияда муҳаббат шакллари сифатида ота-она муҳаббати, биродорлик муҳаббати, худога бўлган муҳаббат, ўз-ўзига муҳаббат ва жинслараро муҳаббат таснифланган. Муаллиф Эрих Фроммнинг «Севги санъати» асаридаги муҳаббат шаклларини тадқиқ этиб, муҳаббатнинг барча турлари асосини биродорлик муҳаббати ташкил этишини асослаган. Мутафаккир биродорлик муҳаббати қайсидир инсоний мавжудотга нисбатан маъсулият, ғамхўрлик, ҳурмат ва бошқа инсонни яқиндан билишни, ҳаётда унга кўмаклашишни тушунади. Шунингдек, она муҳаббати ўз табиатига кўра шак-шубҳасиз бўлишини, лекин ота муҳаббати шартли муҳаббат бўлишини

³ Fromm E. Sevginin ve şidetin kaynağı. –Istanbul: Payel yayınevi, 1990. –S.14.

⁴ Фромм Э. Севги санъати. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б.143.

таъкидлайди. Бироқ диссертант ушбу фикрга кўшилмайди. Чунки она ва ота муҳаббати фарзанд олдидаги бурч, маъсулият нуқтаи назаридан тенгдир. Диссертант Эрих Фроммнинг жинслараро муҳаббат – бу икки одамнинг эгоизмидир, деган фикрига танқидий нуқтаи назардан ёндошиб, эркак ва аёл жинсий муносабати авлодлар давомийлигини таъминлаш, ҳақиқий муҳаббат эса қалб поклиги, меҳнат самарадорлиги омили деб ҳисоблайди. Бироқ унинг эркак ва аёл муҳаббати – ёлғизликдан халос бўлиш имконияти, деган фикрига кўшилади. Эрих Фромм фикрича, «эгоист одам ўзини кучли эмас, балки жуда кучсиз севади, у аслида ўзини ёмон кўради. Ўзи тўғрисида меҳрибонлик ва ғамхўрликнинг йўқлиги уни нуқсонли ҳолатда қолдиради. У бахтсиздир ва саросимада ҳаётдан лаззат олишга интилади, бироқ ана шундай лаззат олишга ўзи тўсқинлик қилади. У ўзи ҳақида ҳаддан ташқари кўп ғамхўрлик қилаётгандек бўлиб туюлади, аслида эса ўз «мен»и тўғрисида ғамхўрлик қилиш борасидаги омадсизликларини яшириш ва нима биландир тўлдириш йўлида самарасиз ҳаракат қилади»⁵. Эрих Фромм «Худога бўлган муҳаббат - бу тафаккур орқали Худони билиш эмас, Худога бўлган ўз муҳаббати тўғрисидаги фикр ҳам эмас, балки Худо билан бирликни кечириш актидир»⁶, деган фикрида дин омили устуворлигини намоён этади. Диссертант фикрича, автоматлашган инсон бир-бирини сева олмагани сингари худони ҳам севмайди. Бугунги кунда инсонлар худони бутпарастларча тушунишга, худога бўлган муҳаббатни бегоналашган шаклда кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги пайтда кундалик ҳаёт барча диний қадриятлардан кескин ажратилган ва моддий бойлик учун шахсий бозорда муваффақият қозониш учун курашга бағишлангани намоён бўлмоқда⁷. Диссертант жамиятдаги бундай ўзгаришлар ва бегоналашувга қарши биродарлик муҳаббатини ривожлантириш зарурлигини асослаган.

Диссертант Эрих Фроммнинг муҳаббат фалсафасидаги инсонийлик, носамимийликни баратараф қилиш, қалб баркамоллигини шакллантириш вазифаларини таҳлил қилади ва кучли ижодий фаолият ҳамда биродарлик муҳаббати кадрланадиган муҳитни яратиш зарурлигини эътироф этади. Эрих Фромм фикрига кўра, муҳаббат тафаккур орқали дунёни тушуниш бўлса, фаолиятда спонтанлик(ижодийлик) ва ўзликни намоён бўлиши, ҳиссиёт талқини бўйича табиат ва жамият билан бир бутунликни ҳис қилишдир.

Диссертант фикрича, инсоният уч минг йилдан буён озодликка интилади. Агар XX асргача жамиятлар учун озодликка эришиш жуда қийин иш бўлган бўлса, янги асрга келиб озодликда яшаш қийин вазифага айланмоқда. Чунки озодлик янгича қарамлик – руҳий қарамликни келтириб чиқара бошлаган. Бу асрда инсоният ҳаддан ташқари кўп моддий неъматларни яратди, дунёнинг бир қисмида демократик жамият барпо этди, ўзини янгича тоталитар таҳдидлар, фашизмдан ҳимоя қила олди. Шу даврда жаҳонда терроризм, экстремизм ва ахборот таҳдидлари каби хуружлар ҳам кучайди. Демократия инсонга янгича эркинлик берди, лекин инсон яратган эркинликнинг чегарасини ҳис қилгани ва

⁵ Фромм Э. Севги санъати. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б.177.

⁶ Ўша асар, –Б.193.

⁷ Miyamoto, Kaori. Erich Fromm's theory on alienation. Masters Theses: February 2014. 2481. Retrieved from <https://scholarworks.umass.edu/theses/2481>

англаб етганича йўқ. Шу боис, диссертант Эрих Фроммнинг инсон озодлиги ҳақидаги қарашлари доирасида маданий ва ахлоқий инқирознинг сабабларини аниқлади ва уларни бартараф қилишнинг аҳамиятини таҳлил қилган.

Тадқиқотда инсон озодлиги икки томонлама мураккаб жараён сифатида: салбий – «нимадандир озодлик» ва ижобий – «нима учун озодлик» шаклида таснифланган. Диссертант фикрича, инсоният ривожини «нимадандир озодлик» йўлидан келмоқда, лекин бу эркинлик қанчалик аҳамиятлироқ бўлса, шунчалик инсон унга боғланиб бормоқда. Охир-оқибат, инсон шунчалик эркин бўлиб қоладики, салбий – «нимадандир озодлик» уни эза бошлайди, унинг устидаги бегона кучга айланади, натижада замонавий инсон «ўзлигини йўқотиб боради»⁸. Тадқиқотчи индивидуалистик жамиятдан озод бўлган ҳозирги инсон ўз шахсиятини рўёбга чиқаришга имкон берувчи озодликка эриша олмаганини, яъни интеллектуал ва эмоционал қобилиятларини рўёбга чиқара олмаганини таъкидлайди. Эрих Фромм фикрича, озодлик инсон ҳаётига мустақиллик ва эмоционаллик берди, бироқ шу билан бирга уни бошқалардан ажратди, унда кучсизлик ва ташвиш ҳиссини уйғотди⁹. Шу боис, диссертант янгича озодликка эришиш, глобаллашув даврида манқурт инсонга айланиб қолмаслик учун ягона илинж муҳаббат деб хулоса қилган.

Тадқиқотда замонавий жамият ўзи яратган кучларни бошқаришга ноқобил бўлиб чиққанлиги фроммча мулоҳаза асосида қуйидагича таҳлил қилинган. «Инсон ўз оламини яратди. Бироқ у ўз меҳнати маҳсулидан бегоналашди, у энди ўзи яратган оламга хўжайин эмас, аксинча, у яратган бу олам бутун инсониятнинг хўжайинига айланди. Инсон ўзи яратган олам олдида бош эгяпти, уни меҳр - шафқатли қилишга ёки унинг олдида айёрлик қилишга уриниб кўраяпти»¹⁰. Диссертант мутафаккирнинг бундай тушкун мулоҳазаларини танқид қилган. Унинг фикрича, Эрих Фромм инсон интеллектининг имкониятларини, эзгуликни англаш табиатини эътиборга олмаган. Тарихий тараққиётда инсон инқилобий хатоликларни қилган бўлса-да, ҳар доим бу хатоликлардан керакли хулосаларни чиқаргани ва ўз оламини мукаммаллаштириб келаётганлигини таъкидлайди.

Диссертант замонавий жамият одамлари бегоналик ва ёлғизликдан халос бўлишлари учун бир-бирига меҳр бериши ва мослашишлари кераклигини таъкидлайди. Эрих Фромм фикрича, севиш қобилиятини ривожлантирган одамда худбинлик йўқолиб боришига ишонган. Бугунги жамиятда биродарлик муҳаббатига асосланган, бегоналашув йўқолган ижтимоий мулоқот муҳитини шакллантириш долзарб вазифадир. Бунинг учун бугунги инсониятга умид керак бўлади. Замонавий жамиятда инсон ўзлигини англаб етса, унда умид шаклланади, фроммча умид – бу мавжуд бўлишга интилиш, инсон руҳий ривожидир. Шарқона қарашлардаги шукр ва шукрона ҳаракатга қиёслаш мумкин. Шукр қилиш – бу шунчаки тўхтаб қолиш эмас, балки қалб хотиржамлиги асосидаги фаолликдир.

⁸ Фромм Э. Бегство от свободы. –Москва: Прогресс, 1990. –С.280.

⁹ Fromm E. Özgürlükten kaçış. –Ankara: Teknografik Matbaası, 1996. –S.13.

¹⁰ Ўша асар, –Б.105.

Диссертациянинг учинчи боби «**Эрих Фромм гуманизмида инсон қалбидаги ёвузлик ҳақида**» деб номланади. Унда инсон қалбидаги ёвузлик майллари – зўравонлик, бузғунчилик ва тажовузкорлик истагини шакллантирувчи ижтимоий омиллар таҳлил қилинган. Ёвузлик истаклари – садизм, мазохизм, некрофилия, нарцизм тенденциялари ва уларни шакллантирувчи асослар тадқиқ қилинган.

Муаллиф Эрих Фроммнинг қалб концепциясидаги ёвузлик туйғулари – зўравонлик, бузғунчилик ва тажаввузкорликнинг турли хил кўринишларини таҳлил қилади, мутафаккир мулоҳазалари асосида ислоҳ қилинган гуманизм ва ижтимоий-маданий психоанализ ғояларини умумлаштиради. Диссертант фикрича, инсоният тарихида зўравонлик ҳеч қачон тўхтамаган, ҳар доим кучсизлар кучлиларга бўйсунушга мажбур бўлган. Янги давр инглиз файласуфи Томас Гоббс «инсон-инсон учун бўри» ғояси бу фикрнинг эътирофидир. Шунингдек, биргина XIX асрда дунёни бўлиб олиш ва ҳукмронлик қилиш мақсадида Англия, Германия ва Франция давлатлари томонидан Африка давлатларини мустамлака қилиниши ҳам кучли давлатларнинг зўравонлиги оқибатидир. Шу маънода, инсон азалдан ёвуз махлук, у ўзини ҳам, дунёни ҳам барбод қилишга мойил, қотиллик унинг севимли машғулоти, фақат ўзидан кучли қотилдангина кўрқади, деган фикрга кўпчилик қарши бўлади. Бироқ Эрих Фромм инсон ёвузлиги ғоясини илгари сурган. Унга кўра, инсонлар мажбур бўлганликлари учун эмас, балки истаганликлари учун ҳам ёвуз ишларни қиладилар.

Диссертацияда инсон қалбидаги бузғунчилик майлининг ҳавфли шакллари тадқиқ қилинган. Унга кўра, бузғунчилик истаги – бу фалсафий антропологик хусусият ва инсон характериға хос. Эрих Фромм фикрича, бузғунчилик – инсон танловининг, инсон мавжудлигининг натижасидир¹¹. Шу боис, диссертант инсон қалбидаги бузғунчиликнинг моҳиятиға таҳлил қилиб, шундай хулосаға келади. Ҳаётға бўлган интилиш қанча кўпроқ намоён бўлса, бузғунчи тенденциялар шунча кучсиз бўлади; ҳаётға бўлган интилиш қанча кўп таъқиқланса, бузғунчиликка бўлган мойиллик шунча кучли бўлади. Бузғунчилик – армонға айланган ҳаётнинг натижасидир. Ҳаёт бостирувчи (эзувчи) индивидуал ёки социал шарт-шароитлар бузғунчиликка бўлган эҳтиросларни вужудға келтиради¹². Эрих Фромм мулоҳазаларига кўра, «инсоннинг ҳайвонлардан фарқи шундаки, у ҳеч қандай биологик сабабларсиз ўз қондошларини қийнайдиган, ўлдирадиган ва бундан роҳатланадиган жонзотларнинг ягона тури ҳисобланади»¹³. Диссертант фикрича, мутафаккирнинг биологик мослашувчанлик ҳаётға хизмат қилади, деган концептуал позицияси мавжуд. Бу инстинкт инсон ва ҳар қандай жонли мавжудотға хос. Биологлар, физиологлар, бу позицияни аксиома сифатида қабул қилишган.

¹¹ Fromm E. Sevginin ve şidetin kaynağı. –İstanbul: Payel yayınevi, 1990. – S.111.

¹² Fromm E. Özgürlükten kaçış. –Ankara: Teknografik Matbaası, 1996. –S.151-152.

¹³ Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. –Москва: Республика, 1994. –С.54.

Диссертацияда Эрих Фромм фалсафий антропологиясида инсон табиати ва характерини шакллантирувчи асосларни тадқиқ қилиниши билан бирга, қалб истаклари, инсоннинг эзгулик ва ёвузликка мойиллиги, мазохизм, садизм ва некрофилия тенденцияларининг намоён бўлиши, шакллантирувчи омиллар таҳлил қилинган. Муаллиф Эрих Фромм таълимотида инсонлардаги ҳукмронликка интилиш ёки бўйсунушга мойилликни садизм, мазохизм орқали, ҳаётга муҳаббат ва нафратни некрофилия ҳамда биофилия тенденциялари орқали очиб берган.

Диссертант фикрича, инсон қалбидаги бўйсунувчанлик, қарамликка мойилликни мазохизм билан асослаш мумкин. Мазохистик тенденция бу – инсон ўзининг номукамаллиги, кучсизлигини ва ҳеч нима эмаслигини ҳис этишидир. Эрих Фромм мазохист инсон хусусиятларини ташқи кучларга: бошқа одамларга, қандайдир ташкилотга, табиатга қарамлик сифатида баҳолайди. Инсонларда мазохистлик ўзларининг хоҳишларига кўра эмас, балки ташқи ҳаққоний ва тасаввурий буйруқларга асосланган ҳолда келиб чиқади. Кўпинча улар «ўзлигини йўқотган» бўлади ва «мен»ига эга бўлмайди. Умуман олганда, мазохистлар ҳаётга худди бир кучли, бошқариб бўлмайдигон нарса каби қарайди. Инсон қалбининг ҳукмронлик истаги, бошқаларни эзиш ва камситиш орқали лаззатланиш майли садизм дейилади. Мазохистик хусусиятга қарама-қарши ҳолат садизм ҳисобланади. Бу эса бугунги кунда турли экстремистик ташкилотлар фаолиятида тўлиқ намоён бўлмоқда.

Диссертацияда инсон қалбидаги садистик тенденцияни уч типи таснифланган: биринчиси, бошқа одамларни ўзига қарам қилиш ва уларни хоҳлаганча бошқариш; иккинчиси, одамлар устидан мутлоқ ҳукмронлик ўрнатибгина қолмай, уларни эксплуатация қилиш ва улардан фойдаланиш (эгаллик қилиш ҳисси бошқаларни моддий бойликларинигина эмас, ахлоқий ва интеллектуал сифатларига ҳам қаратилган бўлади); учинчиси, бошқа одамларни азоблаш ва уларни қийналаётганлигини кўришда намоён бўлади¹⁴. Бу эса жамиятда юксак ахлоқийлик тарбияси билан бир қаторда ҳар қандай хавфга қарши тафаккур хушёрлигини тақозо этади.

Муаллиф таҳлилларига кўра, инсон ҳаётини ҳалокатга бошловчи ёвузлик майллари мавжуд бўлиб, уларга некрофилия ва нарцизм киради. Эрих Фромм вайронкорлик майлларини хасталик аломати деб ҳисоблайди. Вайронакорлик ҳисси ҳаётга нисбатан қарашга ва ўзини тутишга асосланган некрофилия ва биофилия ҳолатида намоён бўлади. Диссертант фикрича, биофилнинг ички дунёсида ҳаётга муҳаббат кучли бўлади. Бундай одамнинг дунёқараши механикликка умуман қарама-қарши¹⁵, у учун асосий мазмун бу функционал органик дунёқараш ҳисобланади. Шу боис, бугунги кунда Ўзбекистонда ёшлар тарбиясига йўналган ҳар қандай сиёсий фаолият улар онгида бегоналашувни бартараф қилишга қаратилгандир.

¹⁴ Fromm E. Özgürlükten kaçış. –Ankara:Teknografik Matbaası, 1996. –S.123-124.

¹⁵ Агапов П.В. Эрих Фромм о человеческой агрессивности и деструктивности: опыт философско-антропологического анализа. // Вестник МГУКИ, 2012. № 6 (50) ноябрь–декабрь. –С.59.

Диссертацияда инсон қалбидаги нарцизм эса миллатчилик, этник нафрат, уруш ва бузғунчиликнинг шаклланиши манбаи бўлиши асосланган. Буни мутафаккир Адолф Гитлер ҳаёти ва сиёсий фаолияти мисолида тадқиқ этган. Зеро нарцизм – бу руҳий энергиядир. Эрих Фромм фикрича, нарцизм устидан тўлиқ ғалаба «Душманинга ҳам муҳаббатли бўл!» деган ақида орқали амалга ошади. Ўзга эътиқодлини ёки душманни севиб қолиш, фақатгина «мен» «ўзга»да сингиб кетгандагина мумкин¹⁶. Бироқ муаллиф Эрих Фроммнинг нарцистлик кўринишини тадқиқ этишда Гитлер шахсиятини намуна қилиб келтиришини танқид қилади. Гитлер нарцистлиги шунчаки ўз ўзига маҳлиёлик эмас, у барча бузғунчи тенденцияларнинг бир нуқтада кесишувидир.

Бугунги кунда нима учун ядровий уришга тайёргарлик кўрилмоқда? Инсоният нима учун бирлашиб ядро урушига қаршилик қилмаяпти? Болалари ва набиралари бор инсонларни эътиборсизлигини қандай изоҳлаш мумкин? Нега яшаш иштиёқи кучли бўлган, яшашга етарли асослари ва имкониятлари бўлган инсонларни ҳамма нарсани йўқ бўлиб кетишига муносабатлари бундай ҳолатда? - деган саволларга мутафаккир инсонларда ҳамма нарсани бутунлай йўқ бўлишидан кўрқмаётганлиги, яшаш иштиёқининг йўқолиб бораётгани, яшаб қолишга қизиқмаётганлиги¹⁷ деб изоҳлайди. Демак, жамиятда яшаб қолиш истаги сўниб бормоқда. Бугунги кунда яшашга бўлган муносабат ортиқча механиклашмоқда.

Диссертацияда ахлоқий инқирозни олдини олиш, юксак маънавиятни шакллантириш ҳам таҳлил қилинади. Диссертант фикрича, ядровий урушни олдини олиш, халқаро терроризм ва диний экстремизм характери бартараф этиш, ахлоқий тубанликлар, бузғунчилик ва зўравонлик истакларни камайтириш учун жамиятда юксак ахлоқийликни шакллантириш зарур. Ахлоқий таназзул, Эрих Фромм фикрича, сохта эмоция, қолипга солинган тафаккур, носамимий муносабат, танқидий фикрлашнинг йўқлиги, манкуртлашган инсонни шаклланиши орқали тезлашмоқда.

Диссертант фикрича, бугунги жамиятда инсоннинг эмоционал, интеллектуал ва ахлоқий таназзулини олдини олиш ҳамда унга қарши инсон қалбини юксалтириш керак. Аслида инсон ўз эмоцияларини бошқара олади. Ўзидаги яхши ҳисларини ривожлантиришга, ёмонларини эса жиловлашга қодир. Бироқ ХХI аср вакиллари буни удалай олмаяпти, инсонларда носамимий муносабат ва сохта эмоция кучайиб бормоқда. Эрих Фромм мулоҳазаларига кўра, «барча жамиятларда эмоциялар умуман бостирилган. «Эмоционаллик» мувозанатсизлик ёки руҳий носоғломлик билан синоним бўлиб қолган¹⁸. Тадқиқотчи психоаналитикларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳаддан ташқари ғамгин, асабий ва ҳаяжонланмайдиган «нормал» инсон образи яратилганлигини ёзади. Бу стандартга мос келмайдиган характер белгилари ёки шахс типини ижтимоий муҳит маъқулламайди ва «инфантил» ёки «невротик» инсон деб атайди. Эрих Фромм фикрича, ҳозирда фақат ҳис ва эмоция эмас,

¹⁶ Фромм Э. Душа человека. –Москва: Республика, 1992. –С.89.

¹⁷ Fromm E. Sevginin ve şidetin kaynağı. –İstanbul: Payel yayınevi, 1990. –S.55.

¹⁸ Fromm E. Özgürlükten kaçış. –Ankara: Teknografik Matbaası. 1996. –S.195.

тафаккур ҳам бузиб талқин қилинмоқда. Бундай вазиятда инсон қалбини соғломлаштириш, ундаги яратувчилик кучини ривожлантириш зарурати юзага чиқмоқда.

Хулоса қилганда, глобаллашув шароитида инсонлардаги ақлий, эмоционал ва ахлоқий карама-қаршиликлар ва жамиятдаги инсонларнинг бегоналашувини бартараф қилиш учун ижодий фаолликни шакллантириш бирдан бир ечим ҳисобланади. Бунинг учун эса, ўз-ўзини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Жамият аъзоларида ижодий фаоллик ва биродарлик муҳаббатини шакллантириш орқали тажовузкорлик ва бузғунчилик истакларини ҳам яратувчилик қобилиятига ўзгартириш мумкин.

ХУЛОСА

«Эрих Фромм фалсафий антропологиясида қалб концепцияси» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Инсон қалбида майлларни шакллантирувчи омил ижтимоий муҳитдаги умумий шарт-шароитлар бўлиб, энг гўзал ёки жирканч истаклар ҳам табиатан яралган ўзгармас биологик қисм маҳсули эмас, балки инсон томонидан яратилган ижтимоий жараён натижаси эканлигини келиб чиқди. Тадқиқот ишида Эрих Фромм, Карл Маркс ва Зигмунд Фрейд таълимотлари қиёсий таҳлил қилинди ва биологик омилларнинг ролини камайтирмаган ҳолда, инсон табиатини, асосан, тарихий шартланган деган қараш очиқ берилди.

2. Ижтимоий тараққиёт «салбий озодлик» йўлидан келаётганлиги, бу инсонларни ўзлигидан айираётганлигини кўрсатиб берилди. Озодликнинг тадрижий такомилли диалектик характерга эга эканлиги, бир томондан инсоннинг ривожланиши, табиатдан мустақил бўлиб бориши, интеллектининг ўсиши каби хусусиятлар шаклланса; бошқа томондан индивидуаллашувнинг кучайиши ёлғизлик ва ишончсизликни юзага чиқараётганлиги хулоса қилинди.

3. Диссертацияда муҳаббат инсонийликни ифодаловчи эҳтиёжнинг олий шакли эканлиги асосланди. Муҳаббат инсондаги фаол куч, ёлғизлик ҳиссини бартараф этишга кўмаклашадиган, айнаи вақтда унинг ўз «мен»и ва яхлитлигини сақлаб қолишга имкон берадиган эзгулик майли эканлиги, муҳаббат ҳаммаша бермоқ дегани эмас, балки ғамхўрлик қилиш, маъсулиятни сезиш, эъозлаш ва билиш дегани эканлиги келиб чиқди.

4. Эрих Фромм фалсафий антропологияси асосида илм-фан ва техника тараққиёти инсондаги хайвоний истаклар ва бузғунчи майлларни йўқ қила олмаётгани асослаб берилди. Бугунги кун инсонларида бузғунчилик, тажовузкорлик ва зўравонликни кучайиб бораётганлигини терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик ва одам савдоси каби тубан фаолиятларни глобал миқёсига кўтарилганлиги билан асослаш мумкин. Бу каби ёвузлик майлларининг янгича шакллари ва кўринишлари ижтимоий муҳит таъсирида кучайиб боради. Эрих Фромм фалсафаси тадқиқи орқали зўравонлик, бузғунчилик ва тажовузкорликни шаклланиши деструктивлик, яъни инсонлардаги табиий тартибни бузилишига жавоб эканлиги хулоса қилинди.

5. Эрих Фромм фалсафий антропологиясида некрофилия (жонсизларга бўлган муҳаббат), ашаддий нарцисизм (ўз-ўзига маҳлиё бўлиш), садизм (хукмронликка интилиш), мазохизм (бўйсуннишга мойиллик) тенденциялари, уларни шакллантирувчи ижтимоий омиллар, глобаллашув шароитида кучайиб бораётган сохта эмоция, қолипга солинган тафаккур, носамимий муносабат, танқидий фикрлашнинг йўқолиши, роботлашган инсоннинг шаклланишининг ахлоқий таназзул ҳолатини келтириб чиқаришдаги салбий таъсирлари кўрсатиб берилди.

Тадқиқот натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Инсон қалбидаги нафратнинг кучайиб бораётганлигига, жиноятчилик, терроризм ва экстремизм, оммавий қотилликларни авж олаётганлигига оид маънавий-маърифий, жиноятчиликни олдини олиш профилактикасига доир тадбирларда ёвузликни келтириб чиқарувчи омиллар ва уни ривожлантирувчи сабаблар таҳлилига алаҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

2. Оммавий ахборот воситаларида зўравонлик, бузғунчилик, тажовузкорлик, қасддан қилинган қотиллик ва бошқа жиноятчилик шакллари таҳлил қилишда уни келтириб чиқарувчи сабабларни, қалбдаги нафрат асосларини тадқиқ этишга мўлжалланган рукнлар фаолиятини йўлга қўйиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.12.2019.F.01.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АСАТУЛЛОЕВ ИНОМЖОН АБОБАКИР УГЛИ

**КОНЦЕПЦИЯ ДУШИ В ФИЛОСОФСКОЙ АНТРОПОЛОГИИ
ЭРИХА ФРОММА**

09.00.03 – История философии

АВТОРЕФЕРАТ

**Диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD)
по философским наукам**

Ташкент – 2020

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Fal198.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета (ik-falsafa@nuu.uz) и на информационном образовательном портале ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Рузматова Гулноз Мирахраровна,
доктор философских наук, профессор;

Официальные оппоненты:

Каримов Бахтиёр Рахмонович
доктор философских наук, профессор;

Агзамходжаева Саида Собитхановна
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентская медицинская академия

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.30.12.2019.F.01.05 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистан в ____ часов «____» _____ 2020 года (Адрес: 100174, город Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz; здание факультета Социальных наук Национального Университета Узбекистана, 1-й этаж, комната 117).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана. (Зарегистрирована под № ____). Адрес: 100174, город Ташкент, ул. Университетская, дом 4, Административный корпус НУУз, 2-й этаж, комната 4. Тел.: (+99871) 236-46-55; факс (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2020 г.
(протокол № ____ от «____» _____ 2020 г.).

Н.А.Шермухамедова

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

У.А. Махкамов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD)

Г.Т.Махмудова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации на соискание степени доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В третьем тысячелетии в мире сформировалась новая система реформ в государственном управлении, социальных отношениях, международных связях системе образования, основанная на информационных технологиях. Неограниченные возможности интеллектуального потенциала человека получают выражение в экономической стабильности, духовном совершенствовании, совершенствовании искусства и культуры. Достижения генной инженерии проявляются в функционировании в развитии общества технологий продления жизни человека, лечения неизлечимых заболеваний, нанотехнологий, биоидентификации. В то же время склонность человека к невежеству также развивается в качестве возможностей его разума.

В ведущих мировых научно-исследовательских институтах и центрах проводят исследования по изучению интеллектуальных возможностей человека, деятельности мозга, духовной культуры. Составной частью этих исследований является анализ взглядов таких западных философов, как З. Фрейд, К. Юнг, М. Шеллер, Э. Фромм и других, на оценку человеческой души, формирование в человеческом существе желаний и склонностей под влиянием социальной среды, присущие его душе невежество и щедрость, причины отчуждения, который осуществляется психологами, социологами, историками и философами. Поскольку человек, с одной стороны, является движущей силой общества, с другой стороны, среди всех живых существ именно он склонен убивать себе подобных. Поэтому в новую эру цифровых технологий возрастает необходимость защищать человеческую душу от невежества. Актуальное значение в этом отношении имеет изучение трудов великих мыслителей.

В Узбекистане одним из приоритетов государственной политики является воспитание не только физически здорового человека, но и чистоты его души. Оно начинается с совершенствования дошкольного образования и продолжается в направленной на повышение ценности человека деятельности, выраженной в воспитании высококвалифицированных специалистов на всех уровнях образования, социальной активности в рамках пяти инициатив, создании Молодежного парламента при Законодательной палате Олий Мажлиса, это формирует чистоту души, дух патриотизма, национальной гордости и уверенности в себе. Поэтому для обеспечения чистоты души молодежи возникает необходимость изучения идей мыслителей Востока и Запада и рационального использования их в общественной жизни.

Настоящая диссертация в определенной мере послужит выполнению задач, поставленных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3130 от 28 июля 2017 года «О поднятии на новый уровень повышения эффективности духовно-просветительской работы и развития сферы», ПП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», Послании Президента

Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева Олий Мажлису Республики Узбекистан от 24 января 2020 года и других нормативно-правовых актах, связанных с данной сферой.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень разработанности проблемы. В западных странах особое внимание уделялось исследованию философского наследия Эриха Фромма. Эти исследования, начатые в 60-х годах прошлого века, интенсивно продолжаются и в настоящее время. В частности, Р.Функ изучал радикальные гуманистические идеи мыслителя, М.Фишер – нравственные взгляды, И.Р.Паскуинг – социальные взгляды, М.Кортина - взгляды на психическую неуравновешенность. Русские ученые В.И.Добренков и Г.А.Титаренко проанализировали философию Эриха Фромма с точки зрения неопрейдизма. Вместе с тем И.В.Егоровой раскрыты различия между философской антропологии Эриха Фромма и фрейдизмом. Японский ученый К.Миамото в своей монографии «Теория отчуждения Эриха Фромма» проанализировал взгляды мыслителя на взаимоотношения личности и общества в условиях техногенной цивилизации. Н.Анжум защитил докторскую диссертацию на тему: «Вопрос человека и общества в философии Эриха Фромма». Турецкие ученые М.Гунер изучил нравственную философию ученого, а Х.Атсиз раскрыл его религиозные взгляды. Наряду с этим в академии «Психоаналитики» в США, Центре международных исследований «Эрих Фромм» в Германии, институте «Социальных наук» в Турции исследуются учения западных мыслителей, особенно учение Э. Фромма о человеке.

Несмотря на то, что в Узбекистане не осуществлено специальных научных исследований, посвященных концепции души Эриха Фромма, в научных исследованиях Г.М.Рузматовой, В.Алимасова, К.Рузматзода, в статье Рахмона Кучкора «Қалб илми эгаси» (Знаток науки о душе) кратко проанализированы жизнь и деятельность мыслителя¹⁹.

Однако в результате определения души человека, причин ее склонности к справедливости и несправедливости в опубликованной в разные периоды литературе, а также в результате анализа психологических, исторических, социальных аспектов взглядов на человеческую сущность определена недостаточная исследованность философско-исторического аспекта концепции души Эриха Фромма. Поэтому в данной диссертации сделана попытка исследования с помощью дедуктивно-номологического метода сущности души в творчестве Эриха Фромма.

Связь исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где была выполнена диссертация.

¹⁹ Труды этих ученых приведены в разделе «Список использованной литературы» диссертации.

Диссертация выполнена в рамках темы: «Закономерности развития духовной культуры личности в Узбекистане в условиях глобализации и гражданского общества», согласно плану научно-исследовательских работ Ферганского государственного университета.

Цель исследования состоит в обосновании факторов, влияющих на сущность человеческой души и ее изменчивость, в философской антропологии антропологии Эриха Фромма.

Задачи исследования:

